



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 2 » iyul

№ 358

Toshkent sh.

Бозорлар ва савдо комплексларида рақамлаштириш ишларини самарали ташкил этиш ҳамда маиший коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар тўғрисида

Бозорлар ва савдо комплекслари, транспорт воситаларини сақлаш жойларини рақамлаштириш, ахборот тизимларининг ягона комплексини жорий этиш, аҳоли ва тадбиркорлар учун қулай имкониятлар яратиш, инфратузилмани янада ривожлантириш, савдо фаолиятини ташкил этишда рақобат муҳитини ривожлантириш ва шаффофликни таъминлаш, коррупция омиллари ва хуфиёна айланмаларга барҳам бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг 2025 йил 5 мартда ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш доирасида қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган бозорлар ва савдо комплексларини рақамлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш белгилангани;

Вазирлар Маҳкамасининг “Йирик бозорларда жамоат тартибини сақлаш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 27 ноябрдаги 791-сон қарорида йирик бозорларда жамоат тартибини сақлаш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилгани;

республикадаги **300 дан ортиқ** бозорлар ва савдо комплексларида **тажриба-синов тариқасида** коррупция ва хуфиёна айланмаларнинг олдини олишга, савдо тушумлари ортишига хизмат қилувчи рақамлаштириш ишлари амалга оширилгани;

Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2011 йил 25 майдаги 149-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2023 йил 11 августдаги 358-сон қарори билан қонунчилик ҳужжатлари бузилгани учун ваколатли давлат органлари томонидан ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш, сақлаш, ҳисобини юритиш ва олиб чиқиб кетиш тартибга солингани **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Қуйидагилар:

Рақамлаштириш чоралари кўриладиган бозорлар ва савдо комплекслари рўйхати **1-иловага** мувофиқ;

Бозорлар ва савдо комплексларини рақамлаштириш схемаси **2-иловага** мувофиқ;

Бозорлар ва савдо комплексларини рақамлаштириш ҳамда уларнинг инфратузилмасини яхшилашнинг устувор йўналишлари **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Солиқ қўмитаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда **2026 йил 1 октябрга қадар** “Солиқ” ахборот тизимлари комплекси таркибида қуйидагиларни назарда тутувчи “Е-bozor” ягона рақамли бозор платформасини (кейинги ўринларда – “Е-bozor” платформаси) синов тарзида, **2027 йил 1 мартга қадар** тўлиқ амалиётга жорий этсин:

бозорлар ва савдо комплекслари паспорти, манзили, бўш савдо шохобчалари ва савдо ўринлари очик эълон қилиб борилиши;

аҳолини бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятига оид маълумотлар билан таништириш, бозор маъмуриятига электрон мурожаат йўллаш ва жавоб олиш имкониятлари.

4. Белгилансинки:

бозорлар ва савдо комплексларини рақамлаштириш, уларнинг инфратузилмасини яхшилаш билан боғлиқ харажатлар бозорлар ва савдо комплекслари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;

ахборот тизимлари киберхавфсизлик ҳамда давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш талаблари асосида жорий этилади;

2026 йил 1 декабрга қадар “Е-bozor” платформасига бозорлар ва савдо комплексларида амалда жорий этилган ахборот тизимлари ҳамда Адлия вазирлиги, Кадастр агентлиги ва бошқа манфаатдор идораларнинг ахборот тизимлари “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали интеграция қилинади;

“Е-bozor” платформасини яратиш ҳамда давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш харажатлари Солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

5. Солиқ қўмитаси:

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2026 йил 1 августга қадар** “Е-bozor” платформаси лойиҳа-техник ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши ҳамда экспертизадан ўтказилишини таъминласин;

“Киберхавфсизлик маркази” ДМ билан биргаликда **2027 йил 1 февралга қадар** “Е-bozor” платформасини лойиҳа-техник ҳужжатларга ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги бўйича экспертизадан ўтказсин.

6. Белгилансинки, Солиқ қўмитаси “Е-bozor” платформасининг **оператори** ҳисобланади.

Бунда оператор коррупция ва яширин иқтисодиётнинг олдини олиш мақсадида “Е-bozor” платформасини доимий такомиллаштириш чораларини кўриб боради.

7. Солиқ қўмитаси:

ҳар бир бозор ва савдо комплексига солиқ ходимларини **бириктирсин** ва уларнинг фаолияти самарадорлигини **кунлик таҳлил** қилиб борсин;

2026 йил 1 октябрга қадар бозорлар ва савдо комплекслари ихтисослашуви, иш тартиби, турғун савдо нуқталари ва савдо ўринлари сони ва жойлашуви, кўрсатиладиган хизматлар тўғрисидаги маълумотларни **“Е-bozor” платформасига киритсин;**

бозор ва савдо комплексига бириктирилган солиқ ходимлари “Е-bozor” платформасида акс эттирилган **кунлик тушумлар ҳаққонийлигини** жойларда **доимий равишда мониторинг** қилиб борсин;

бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти билан биргаликда бозорлар ва савдо комплексларида жорий этилган **ахборот тизимларини** **такомиллаштириш чораларини** кўрсин;

Марказий банк билан биргаликда **уч ой муддатда** бозорлар ҳудудида ва уларга туташ ҳудудларда жойлашган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида тўловларни **ягона QR код орқали** тўлаш имкониятини яратсин;

Марказий банк билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатлари талабларидан келиб чиқиб, бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини тўлиқ **онлайн назорат-касса** техникалари билан таъминласин ёки онлайн тўловлар учун **QR кодли** ёрлиқлар ўрнатиш чораларини кўрсин;

бозор ва савдо комплексларининг ахборот тизимлари ҳамда автомобилотранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобилотранспорт воситаларининг эркин киришини (чиқишини) истисно этувчи махсус хотира билан жиҳозланган электрон шлагбаум ёки бошқа қурилмаларнинг солиқ органлари ахборот тизимига интеграция қилинмагани аниқланганда, Солиқ кодексига мувофиқ жарима қўлланишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда **икки ой муддатда** бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида жойлашган савдо шохобчалари ва савдо нуқталарини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини тўлиқ хатловдан ўтказиш ҳамда уларнинг солиқ объекти сифатида ҳисобга қўйилишини таъминласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

2026 йил 1 сентябрга қадар Солиқ қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **1-иловада** кўрсатилган бозорлар ва савдо комплексларини, уларга туташ автотураргоҳларни тўлиқ рақамлаштириш ҳамда “Е-bozor” платформасига интеграция қилиш;

2026 йил 1 октябрга қадар бозорлар ва савдо комплексларидаги ахборот тизимларини “Киберхавфсизлик маркази” ДМ билан биргаликда киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги бўйича экспертизадан ўтказиш;

2026 йил 1 августга қадар бозорлар ва савдо комплексларининг инфратузилмаси, ёнғин хавфсизлиги ва санитария ҳолатини яхшилаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш техник воситаларини ўрнатиш;

республикадаги бошқа бозор ва савдо комплекслари, автотураргоҳларни мазкур қарор талаблари асосида **босқичма-босқич рақамлаштириш чораларини** кўриб борсин.

9. Солиқ қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқ давлат улуши бўлган бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятига қўйиладиган талабларни инобатга олган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи норматив-ҳукукий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. **2026 йил 1 августдан** транспорт воситаларини сақлаш жойларидан чиқариб юбориш бўйича рухсатномани фақат маъмурий ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) ва ижро органи томонидан **“Жарима майдончаси”** ахборот тизимида **QR-код** билан тасдиқлаш ва электрон тарзда юбориш тартиби жорий этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **4-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

12. Ички ишлар вазирлиги **икки ой муддатда**:

Солиқ қўмитаси ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда “Жарима майдончаси” ахборот тизимини солиқ органларининг ахборот тизимлари билан “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали **интеграция** қилсин. Бунда қонунчилик ҳужжатлари бузилгани учун ушланган транспорт воситаларини сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларнинг реквизитлари (номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами, манзили ва бошқалар), жарима майдончасига жойлаштирилган транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар (транспорт маркаси, давлат рақами, майдончага киритилган ва чиқарилган вақти, ундирилган тўлов ва бошқалар) солиқ органларининг ахборот тизимида автоматик равишда шаклланиши белгилансин;

мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришларга мувофиқ қонунчилик ҳужжатлари бузилгани учун ушланган транспорт воситаларини сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар билан қўшимча шартномалар тузиш ҳамда **“Жарима майдончаси”** ахборот тизимини зарур давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиб, такомиллаштириш чораларини кўрсин.

13. Мазкур қарорнинг 11-банди қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан **уч ой ўтгач** кучга киради.

14. Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун моҳияти ва аҳамиятини бозор ва савдо комплекслари маъмуриятининг вакиллари ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида кенг тушунтирилишини ташкил этсин.

15. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 2 ” июлдаги 358-сон қарорига
1-илова

Рақамлаштириш чоралари кўриладиган бозорлар ва савдо комплекслари РЎЙХАТИ

Т/р	Объектлар номи (деҳқон, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа бозорлар)	Жойлашган жойи (туман, шаҳар)	Тургун савдо шоҳобчалари ва савдо дўконлари сони
Қорақалпоғистон Республикаси			
1	“Манғит деҳқон бозори” МЧЖ	Амударё тумани	568
2	“Шаббоз деҳқон бозори” МЧЖ	Беруний тумани	608
3	“Кегейли деҳқон бозори” МЧЖ	Кегейли тумани	254
4	“Халқабод деҳқон бозори” МЧЖ	Кегейли тумани	557
5	“Қонликўл деҳқон бозори” МЧЖ	Қонликўл тумани	285
6	“Қораўзак деҳқон бозори” МЧЖ	Қораўзак тумани	206
7	“Қўнғирот деҳқон бозори” МЧЖ	Қўнғирот тумани	501
8	“Ақманғит деҳқон бозори” МЧЖ	Ақманғит тумани	591
9	“Тахиатош деҳқон бозори” МЧЖ	Тахиатош тумани	504
10	“Тахтакўпир деҳқон бозори” МЧЖ	Тахтакўпир тумани	596
11	“Тўрткўл эл ризқи бозори” МЧЖ	Тўрткўл тумани	837
12	“Хўжайли деҳқон бозори” МЧЖ	Хўжайли тумани	715
13	“Чимбой деҳқон бозори” МЧЖ	Чимбой тумани	867
14	“Шуманай деҳқон бозори” МЧЖ	Шуманай тумани	469
15	“Элликқалъа деҳқон бозори” МЧЖ	Элликқалъа тумани	410
Андижон вилояти			
1	“Марказий деҳқон бозори” АЖ	Андижон шаҳри	1073
2	“Хунармандчилик савдо комплекси” МЧЖ	Андижон шаҳри	2881
3	“Боғишамол автомобиль ва эҳтиёт қисмлар бозори” МЧЖ	Андижон шаҳри	553
4	“Сой-бўйи деҳқон бозори” МЧЖ	Андижон шаҳри	151
5	“Янги-бозор деҳқон бозори” АЖ	Андижон шаҳри	454
6	“Жаҳон савдо комплекси” АЖ	Андижон шаҳри	5831
7	“Куйган-ёр деҳқон бозори” МЧЖ	Андижон тумани	503
8	“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи деҳқон бозори” МЧЖ	Андижон тумани	79
9	“Асака деҳқон бозори” МЧЖ	Асака тумани	813
10	“Истеъмолдаги қурилиш материаллари бозори” МЧЖ	Асака тумани	102
11	“Қовоқтўпи улгуржи деҳқон бозори” МЧЖ	Асака тумани	110
12	“Жалақудуқ деҳқон бозори” МЧЖ	Жалақудуқ тумани	207
13	“Жалақудуқ камолот савдо комплекси” МЧЖ	Жалақудуқ тумани	95
14	“Қўрғонтепа деҳқон бозори” МЧЖ	Қўрғонтепа тумани	649
15	“Қўрғонтепа камолот савдо комплекси” МЧЖ	Қўрғонтепа тумани	468
16	“Қорасув савдо комплекси” МЧЖ	Қўрғонтепа тумани	214
17	“Қорасув деҳқон бозори” МЧЖ	Қўрғонтепа тумани	292
18	“Марҳамат деҳқон бозори” МЧЖ	Марҳамат тумани	278

T/p	Объектлар номи (деҳқон, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа бозорлар)	Жойлашган жойи (туман, шаҳар)	Турғун савдо шоҳобчалари ва савдо дўконлари сони
19	“Мингтепа савдо комплекси” МЧЖ	Марҳамат тумани	458
20	“Пахтаобод деҳқон бозори” МЧЖ	Пахтаобод тумани	707
21	“Пахтаобод соҳил савдо комплекси” МЧЖ	Пахтаобод тумани	254
22	“Андижон автомобиль ва эҳтиёт қисмлар бозори 2019” МЧЖ	Хўжаобод тумани	1846
23	“Хўжаобод деҳқон бозори” МЧЖ	Хўжаобод тумани	231
24	“Хўжаобод савдо комплекси” МЧЖ	Хўжаобод тумани	375
25	“Шаҳрихон деҳқон бозори” МЧЖ	Шаҳрихон тумани	771
26	“Булокбоши деҳқон бозори” МЧЖ	Булокбоши тумани	150
27	“Олтинкўл деҳқон бозори” МЧЖ	Олтинкўл тумани	499
28	“Улуғнор деҳқон бозори” МЧЖ	Улуғнор тумани	137
29	“Деҳқон бозори пойтуғ” МЧЖ	Избоскан тумани	70
30	“Балиқчи деҳқон бозори” МЧЖ	Балиқчи тумани	200
Бухоро вилояти			
1	“Бухоро қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини улгуржи сотиш бозори” МЧЖ	Бухоро шаҳри	100
2	“Бухоро марказий деҳқон бозори” АЖ	Бухоро шаҳри	1846
3	“Тўқимачи деҳқон бозори” МЧЖ	Бухоро шаҳри	558
4	“Шарқ деҳқон бозори” МЧЖ	Бухоро шаҳри	62
5	“Ситора авто бозори” МЧЖ	Бухоро шаҳри	534
6	“Гала Осиё деҳқон бозори” МЧЖ	Бухоро тумани	417
7	“Карвон савдо комплекси” МЧЖ	Бухоро шаҳри	766
8	“Саховат деҳқон бозори” МЧЖ	Когон шаҳри	230
9	“Сохибкор деҳқон бозори” МЧЖ	Когон шаҳри	230
10	“Жондор деҳқон бозори” МЧЖ	Жондор тумани	70
11	“Қоракўл деҳқон бозори” МЧЖ	Қоракўл тумани	659
12	“Ромитан деҳқон бозори” МЧЖ	Ромитан тумани	598
13	“Вобкент деҳқон бозори” МЧЖ	Вобкент тумани	930
14	“Шофиркон савдо мажмуаси” МЧЖ	Шофиркон тумани	242
15	“Шофиркон деҳқон бозори” МЧЖ	Шофиркон тумани	411
16	“Олот деҳқон бозори” МЧЖ	Олот тумани	428
17	“Ғиждувон деҳқон бозори” АЖ	Ғиждувон тумани	2103
18	“Хўжаи жаҳон савдо комплекси” АЖ	Ғиждувон тумани	1000
19	“Пешкў Навоий деҳқон бозори” МЧЖ	Пешку тумани	162
Жиззах вилояти			
1	“Жиззах марказий деҳқон бозори” АЖ	Жиззах шаҳри	1476
2	“Эски шаҳар буюм савдо комплекси” АЖ	Жиззах шаҳри	878
3	“Эски шаҳар деҳқон бозори” МЧЖ	Жиззах шаҳри	1122
4	“Кимёгар эҳтиёт қисмлари бозори” МЧЖ	Жиззах шаҳри	266
5	“Ғаллаорол деҳқон бозори” МЧЖ	Ғаллаорол тумани	269
6	“Лалмикор деҳқон бозори” МЧЖ	Ғаллаорол тумани	105
7	“Атлас шойи ипак буюм савдо мажмуаси” МЧЖ	Зомин тумани	114
8	“Даштобод деҳқон бозори” МЧЖ	Зомин тумани	201
9	“Мирзачўл деҳқон бозори” МЧЖ	Мирзачўл тумани	236
10	“Эржар буюм савдо мажмуаси” МЧЖ	Мирзачўл тумани	61
11	“Пахтакор деҳқон бозори” МЧЖ	Пахтакор тумани	216
12	“Пахтакор буюм савдо мажмуаси” МЧЖ	Пахтакор тумани	163

T/p	Объектлар номи (деҳқон, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошиқа бозорлар)	Жойлашган жойи (туман, шаҳар)	Турғун савдо шохобчалари ва савдо дўконлари сони
13	“Фориш туман деҳқон бозори” МЧЖ	Фориш тумани	220
14	“Фарҳод деҳқон бозори” МЧЖ	Фориш тумани	387
15	“Автобозор” МЧЖ	Шароф Рашидов тумани	0
16	“Зарбдор туман деҳқон бозори” МЧЖ	Зарбдор тумани	88
17	“Баландчақир деҳқон бозори” МЧЖ	Янгиобод тумани	156
Қашқадарё вилояти			
1	“Қарши кўмак савдо комплекси” МЧЖ	Қарши шаҳри	111
2	“Қарши марказий буюм савдо комплекси” АЖ	Қарши шаҳри	465
3	“Насаф автомобиль бозори савдо комплекси” МЧЖ	Қарши шаҳри	445
4	“Қарши савдо мажмуаси” МЧЖ	Қарши шаҳри	160
5	“Қарши шаҳар деҳқон (озиқ-овқат) бозори” АЖ	Қарши шаҳри	279
6	“Ерқўрғон деҳқон (озиқ-овқат) бозори” АЖ	Қарши шаҳри	428
7	“Косон деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Косон тумани	368
8	“Китоб деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Китоб тумани	901
9	“Муборақ деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Муборақ тумани	313
10	“Нишон деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Нишон тумани	103
11	“Касби туман деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Касби тумани	142
12	“Чирокчи деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Чирокчи тумани	456
13	“Янги Кеш деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Шаҳрисабз шаҳри	1124
14	“Яккабоғ-истикболи деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Яккабоғ тумани	505
15	“Ғузор туман деҳқон бозори” МЧЖ	Ғузор тумани	667
Навоий вилояти			
1	“Марказий деҳқон бозори” (“Саховат бозори” МЧЖ)	Навоий шаҳри	1623
2	“Тулистон деҳқон бозори” (“Саховат бозори” МЧЖ)	Навоий шаҳри	362
3	“10-кичик туман деҳқон бозори” (“Саховат бозори” МЧЖ)	Навоий шаҳри	518
4	“Навоий савдо комплекси” АЖ	Навоий шаҳри	1072
5	“Зарафшон буюм бозор” (“Баҳор савдо комплекси” МЧЖ)	Зарафшон шаҳри	154
6	“Зарафшон деҳқон бозори” (“Наврўз” МЧЖ)	Зарафшон шаҳри	256
7	“Навбаҳор деҳқон бозори” (“Мустақиллик” МЧЖ)	Навбаҳор тумани	170
8	“Қизилтепа туман деҳқон бозорлари” МЧЖ	Қизилтепа тумани	125
9	“Учқудук деҳқон бозори” МЧЖ	Учқудук тумани	205
10	“Хатирчи деҳқон бозори” МЧЖ	Хатирчи тумани	396
11	“Кармана деҳқон бозори” МЧЖ	Кармана тумани	421
12	“Конимех деҳқон бозори” МЧЖ	Конимех тумани	115
Наманган вилояти			
1	“Ихтисослаштирилган курилиш моллари савдо комплекси” МЧЖ	Янги Наманган тумани	856
2	“Дўстлик савдо саноат комплекси” МЧЖ	Янги Наманган тумани	764

T/p	Объектлар номи (деҳқон, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошиқа бозорлар)	Жойлашган жойи (туман, шаҳар)	Турғун савдо шоҳобчалари ва савдо дўконлари сони
3	“Наманганавтомегастрой савдо комплекси” МЧЖ	Янги Наманган тумани	164
4	“Ёшлик барака бозори” МЧЖ	Янги Наманган тумани	65
5	“Наманган чорсу деҳқон универсал бозори” АЖ	Наманган шаҳри	894
6	“Сардоба бозори” МЧЖ	Наманган шаҳри	207
7	“Жаҳон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси” АЖ	Наманган шаҳри	597
8	“Шохидон деҳқон бозори” МЧЖ	Тўрақўрғон тумани	241
9	“Тўрақўрғон деҳқон бозори” МЧЖ	Тўрақўрғон тумани	400
10	“Тўрақўрғон марказий деҳқон бозори” МЧЖ	Тўрақўрғон тумани	250
11	“Учқўрғон деҳқон бозори” МЧЖ	Учқўрғон тумани	432
12	“Учқўрғон соф-савдо деҳқон бозори” МЧЖ	Учқўрғон тумани	400
13	“Қўғай деҳқон бозори” МЧЖ	Учқўрғон тумани	472
14	“Янгиқўрғон деҳқон бозори” МЧЖ	Янгиқўрғон тумани	204
15	“Заркент савдо барака” МЧЖ	Янгиқўрғон тумани	154
16	“Бекабод барака мажмуаси” МЧЖ	Янгиқўрғон тумани	56
17	“Уйчи деҳқон бозори” МЧЖ	Уйчи тумани	125
18	“Уйчи ровот савдо комплекси” МЧЖ	Уйчи тумани	132
19	“Уйчи ёрқўрғон барака бозори” МЧЖ	Уйчи тумани	90
20	“Чуст шаҳар деҳқон бозори” МЧЖ	Чуст тумани	520
21	“Чуст аралаш моллари бозори” МЧЖ	Чуст тумани	187
22	“Барака олмос бозори” МЧЖ	Чуст тумани	150
23	“Ғирвон савдо комплекси” МЧЖ	Давлатобод тумани	145
24	“Яшил деҳқон бозори” МЧЖ	Давлатобод тумани	486
25	“Косонсой деҳқон бозори” МЧЖ	Косонсой тумани	432
26	“Тергачи барака бозори” МЧЖ	Косонсой тумани	142
27	“Файзли эркин савдо бозори” МЧЖ	Поп тумани	26
28	“Ғурумсарой деҳқон бозори” МЧЖ	Поп тумани	490
29	“Чортоқ саноат савдо комплекси” МЧЖ	Чортоқ тумани	265
30	“Chortoq tourist trade center” МЧЖ	Чортоқ тумани	420
31	“Аминжон ота Нуриддинов деҳқон бозори” МЧЖ	Наманган тумани	50
32	“Тошбулоқ деҳқон бозори” МЧЖ	Наманган тумани	430
33	“Норин деҳқон бозори” МЧЖ	Норин тумани	281
34	“Норин авто савдо бозори” МЧЖ	Норин тумани	0
Самарқанд вилояти			
1	“Сиёб деҳқон бозори” МЧЖ	Самарқанд шаҳри	2 030
2	“Темирийўл деҳқон бозори” МЧЖ	Самарқанд шаҳри	626
3	“Самарқанд ипак йўли савдо мажмуаси” МЧЖ	Самарқанд шаҳри	595
4	“Самарқанд шодиёнаси” МЧЖ	Самарқанд шаҳри	385
5	“Пастдарғом мева-сабзавот деҳқон бозори” МЧЖ	Пастдарғом тумани	908
6	“Пастдарғом буюм савдо савдо мажмуаси” МЧЖ	Пастдарғом тумани	395
7	“Ургут деҳқон бозори” МЧЖ	Ургут тумани	221
8	“Ургут савдо комплекси” МЧЖ	Ургут тумани	3 108
9	“Каттақўрғон деҳқон бозори” МЧЖ	Каттақўрғон шаҳри	1 759
10	“Оқдарё деҳқон бозори” МЧЖ	Оқдарё тумани	443
11	“Булунғур деҳқон бозори” МЧЖ	Булунғур тумани	520

T/p	Объектлар номи (деҳқон, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошиқа бозорлар)	Жойлашган жойи (туман, шаҳар)	Турғун савдо шоҳобчалари ва савдо дўконлари сони
12	“Жомбой деҳқон бозори” МЧЖ	Жомбой тумани	1 246
13	“Иштихон деҳқон бозори” МЧЖ	Иштихон тумани	930
14	“Пайшанба деҳқон бозори” МЧЖ	Каттакўрғон тумани	510
15	“Нарпай деҳқонбод” МЧЖ	Нарпай тумани	208
16	“Сузангарон савдо комплекси” МЧЖ	Пайариқ тумани	151
17	“Пахтачи деҳқон бозори” МЧЖ	Пахтачи тумани	250
18	“Тойлоқ деҳқон бозори” МЧЖ	Тойлоқ тумани	754
19	“Самарқанд инновацион автомобиль” МЧЖ	Самарқанд тумани	0
Сурхондарё вилояти			
1	“Яшил дунё марказий деҳқон озиқ-овқат бозори” МЧЖ	Термиз шаҳри	536
2	“Термиз шаҳар деҳқон озиқ-овқат бозори” МЧЖ	Термиз шаҳри	32
3	“Термиз-Бақтрия-савдо” савдо комплекси МЧЖ	Термиз шаҳри	243
4	“Ангор марказий деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Ангор тумани	61
5	“Ангор келажаги савдо комплекси” МЧЖ	Ангор тумани	520
6	“Рўшана Ангор” савдо комплекси МЧЖ	Ангор тумани	29
7	“Музработ деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Музработ тумани	50
8	“Файзулла полвон бобо” МЧЖ	Музработ тумани	32
9	“Жаркўрғон деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Жаркўрғон тумани	144
10	“Давр савдо комплекси” МЧЖ	Жаркўрғон тумани	159
11	“Кумкўрғон деҳқон озиқ-овқат бозори” МЧЖ	Кумкўрғон тумани	40
12	“Боймоқли файз обод” МЧЖ	Кумкўрғон тумани	32
13	“Қизирик деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Қизирик тумани	115
14	“Истара деҳқон бозори” МЧЖ	Қизирик тумани	59
15	“Нилуфар савдо комплекси” МЧЖ	Қизирик тумани	86
16	“Шўрчи деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Шўрчи тумани	136
17	“Шўрчи жануб савдо” савдо комплекси МЧЖ	Шўрчи тумани	164
18	“Сариосиё деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Сариосиё тумани	20
19	“Шеробод шер барака” савдо комплекси МЧЖ	Шеробод тумани	287
20	“Узун деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Узун тумани	73
Сирдарё вилояти			
1	“Гулистон шаҳар деҳқон бозори” МЧЖ	Гулистон шаҳри	752
2	“Янгиер деҳқон бозори” МЧЖ	Янгиер шаҳри	313
3	“Ховос деҳқон бозори” МЧЖ	Ховос тумани	106
4	“Бахт-Х” МЧЖ	Сирдарё тумани	330
5	“Боёвут деҳқон бозори” МЧЖ	Боёвут тумани	261
6	“Кўнчи деҳқон бозори” МЧЖ	Гулистон тумани	234
7	“Пахтаобод деҳқон бозори” МЧЖ	Сардоба тумани	168
Тошкент вилояти			
1	“Бек барака ихтисослашган савдо комплекси” МЧЖ	Зангиота тумани	2024
2	“Ангрен шаҳар деҳқон бозори” МЧЖ	Ангрен шаҳри	812
3	“Бекобод деҳқон бозори” МЧЖ	Бекобод шаҳри	1224
4	“Нурафшон шаҳар деҳқон бозори” МЧЖ	Нурафшон шаҳри	286
5	“Олмалиқ деҳқон бозори” МЧЖ	Олмалиқ шаҳри	1193
6	“Оҳангарон деҳқон бозори” МЧЖ	Оҳангарон шаҳри	391

T/р	Объектлар номи (деҳқон, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа бозорлар)	Жойлашган жойи (туман, шаҳар)	Турғун савдо шоҳобчалари ва савдо дўконлари сони
7	“Чирчиқ деҳқон бозори” МЧЖ	Чирчиқ шаҳри	1222
8	“Ихтисослашган Янгийўл шаҳар деҳқон бозори” МЧЖ	Янгийўл шаҳри	1953
9	“Истиклол деҳқон бозори” МЧЖ	Бўка тумани	234
10	“Бўстонлик деҳқон бозори” МЧЖ	Бўстонлик тумани	603
11	“Оққўрғон деҳқон бозори” МЧЖ	Оққўрғон тумани	475
12	“Паркент деҳқон бозори” МЧЖ	Паркент тумани	821
13	“Пискент деҳқон бозори” МЧЖ	Пискент тумани	372
14	“Тошкент тумани кўп тармокли деҳқон бозори” МЧЖ	Тошкент тумани	367
15	“Қуйичирчиқ деҳқон бозори” МЧЖ	Қуйичирчиқ тумани	210
16	“Деҳқон бозори” МЧЖ	Юқоричирчиқ тумани	351
17	“Чиноз деҳқон бозори” МЧЖ	Чиноз тумани	942
Фарғона вилояти			
1	“Қўқон деҳқон бозори” АЖ	Қўқон шаҳри	1189
2	“Буюк ипак йўли савдо комплекси” МЧЖ	Қўқон шаҳри	366
3	“Қўқон музаффар савдо комплекси” МЧЖ	Қўқон шаҳри	386
4	“Ризқ барака савдо комплекси” МЧЖ	Қўқон шаҳри	530
5	“Муқумий деҳқон бозори” МЧЖ	Қўқон шаҳри	40
6	“Қўқон истиклол савдо комплекси” МЧЖ	Қўқон шаҳри	471
7	“Қўқон қурилиш савдо комплекси” МЧЖ	Қўқон шаҳри	40
8	“Фаробий савдо комплекси” МЧЖ	Қўқон шаҳри	1467
9	“Қўқон ихтисослаштирилган автомашина бозори” МЧЖ	Қўқон шаҳри	0
10	“Ипакчи файз тонг савдо комплекси” АЖ	Марғилон шаҳри	804
11	“Марғилон барака савдо” АЖ	Марғилон шаҳри	562
12	“Марғилон шаҳар деҳқон бозори” МЧЖ	Марғилон шаҳри	1221
13	“Бунёдкор ҳунарманд” МЧЖ	Марғилон шаҳри	60
14	“Марғилон мусаффо сервис” МЧЖ	Марғилон шаҳри	110
15	“Давр қурилиш маҳсулотлари” МЧЖ	Марғилон шаҳри	256
16	“Марғилон дон ва дон маҳсулотлари” МЧЖ	Марғилон шаҳри	210
17	“Фарғона марказий деҳқон бозори” АЖ	Фарғона шаҳри	1928
18	“Фарғона қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори” АЖ	Фарғона шаҳри	47
19	“Фарғона Юсуфжон файзи қурилиш моллари бозори” МЧЖ	Фарғона шаҳри	11
20	“Фарғона савдо мажмуаси” МЧЖ	Фарғона шаҳри	2051
21	“Водил деҳқон бозори” МЧЖ	Фарғона тумани	155
22	“Файз савдо саховат” МЧЖ	Фарғона тумани	144
23	“Водий мега авто бозори” МЧЖ	Фарғона тумани	0
24	“Чимён савдо комплекси” МЧЖ	Фарғона тумани	250
25	“Қўштепа туман қурилиш материаллари бозори” МЧЖ	Қўштепа тумани	210
26	“Қўштепа тумани деҳқон бозори” МЧЖ	Қўштепа тумани	939
27	“Қўштепа пойабзал ва мебел бозори” МЧЖ	Қўштепа тумани	237
28	“Қўштепа файз савдо комплекси” АЖ	Қўштепа тумани	1438

T/p	Объектлар номи (деҳқон, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа бозорлар)	Жойлашган жойи (туман, шаҳар)	Турғун савдо шоҳобчалари ва савдо дўконлари сони
29	“Бешариқ турон саноат савдо комплекси” АЖ	Бешариқ тумани	252
30	“Бешариқ деҳқон бозори” МЧЖ	Бешариқ тумани	887
31	“Бувайда деҳқон бозори” МЧЖ	Бувайда тумани	914
32	“Бувайда савдо комплекси” МЧЖ	Бувайда тумани	42
33	“Ёзёвон савдо комплекси” МЧЖ	Ёзёвон тумани	1337
34	“Ёзёвон деҳқон бозори” МЧЖ	Ёзёвон тумани	244
35	“Раста савдо комплекси” АЖ	Кува тумани	429
36	“Кува тумани деҳқон бозори” АЖ	Кува тумани	1019
37	“Олтиариқ туман деҳқон бозори” МЧЖ	Олтиариқ тумани	246
38	“Тошлоқ файз барака савдо комплекси” МЧЖ	Тошлоқ тумани	68
39	“Ўзбекистон деҳқон бозори” МЧЖ	Ўзбекистон тумани	331
40	“Учкўприк деҳқон бозори” МЧЖ	Учкўприк тумани	310
41	“Бағдод туман деҳқон бозори” МЧЖ	Бағдод тумани	1683
42	“Қувасой шаҳар деҳқон бозори” МЧЖ	Қувасой шаҳри	184
Хоразм вилояти			
1	“Урганч марказий деҳқон бозори” АЖ	Урганч шаҳри	2322
2	“Чолиш деҳқон бозори” МЧЖ	Урганч шаҳри	154
3	“Хива Гулшан деҳқон бозори” МЧЖ	Хива шаҳри	120
4	“Хива деҳқон бозори” АЖ	Хива шаҳри	120
5	“Гурлан универсал савдо комплекси” МЧЖ	Гурлан тумани	596
6	“Гурлан деҳқон бозори” АЖ	Гурлан тумани	56
7	“Ҳосиён деҳқон бозори” МЧЖ	Қўшкўпир тумани	165
8	“Ғозовот деҳқон бозори” МЧЖ	Қўшкўпир тумани	232
9	“Ҳазорасп деҳқон бозори” МЧЖ	Ҳазорасп тумани	365
10	“Ҳазорасп универсал савдо комплекси” АЖ	Ҳазорасп тумани	1503
11	“Омад куши” деҳқон бозори МЧЖ	Ҳазорасп тумани	120
12	“Хонқа деҳқон бозори” МЧЖ	Хонқа тумани	487
13	“Янгиариқ деҳқон бозори” МЧЖ	Янгиариқ тумани	260
14	“Янгибозор деҳқон бозори” МЧЖ	Янгибозор тумани	288
15	“Боғот деҳқон бозори” МЧЖ	Боғот тумани	613
16	“Шовот деҳқон бозори” МЧЖ	Шовот тумани	450
17	“Питнак деҳқон бозори” МЧЖ	Тупроққалъа тумани	90
18	“Хоразм автотранспорт савдо бозори” МЧЖ	Урганч тумани	0
Тошкент шаҳри			
1	“Паркент универсал савдо комплекси” АЖ	Яшнобод тумани	256
2	“Янгиобод ихтисослашган бозор” МЧЖ	Яшнобод тумани	3295
3	“Авиасозлар деҳқон бозори” АЖ	Яшнобод тумани	962
4	“Эски-жува деҳқон бозори” АЖ	Шайхонтохур тумани	3020
5	“Чорсу буюм савдо комплекси” АЖ	Шайхонтохур тумани	750
6	“Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ	Чилонзор тумани	3048
7	“Бек тўпи савдо комплекси” МЧЖ	Чилонзор тумани	404
8	“Сергели деҳқон бозори” АЖ	Сергели тумани	244
9	“Истеъмолда бўлган транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлари Сергели бозори” МЧЖ	Сергели тумани	521
10	“Фарҳод деҳқон бозори” АЖ	Учтепа тумани	2534

Т/р	Объектлар номи (деҳқон, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа бозорлар)	Жойлашган жойи (туман, шаҳар)	Турғун савдо шохобчалари ва савдо дўконлари сони
11	“Ўрикзор савдо комплекс” МЧЖ	Учтепа тумани	2347
12	“Миробод деҳқон бозори” АЖ	Миробод тумани	700
13	“Наврўз деҳқон бозори” АЖ	Мирзо Улуғбек тумани	704
14	“Қора-қамиш деҳқон бозори” МЧЖ	Олмазор тумани	320
15	“Олой деҳқон бозори” АЖ	Юнусобод тумани	497

Изоҳ. Солиқ қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари таклифларига асосан рақамлаштириладиган бозорлар ва савдо комплекслари рўйхатига қўшимчалар киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 2 ” июлдаги 358-сон қарорига
2-илова

**Бозорлар ва савдо комплексларини рақамлаштириш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Ижрочилар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Маҳаллий ҳокимлик ва бошқа тегишли ташкилотлар	Қурилиш, санитария, савдо, ёнгин ва жамоат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниш ҳолатини ишчи гуруҳ тузган ҳолда ўрганиш.	15 кунда
2-босқич	Маҳаллий ҳокимлик ва бошқа тегишли ташкилотлар	Ишчи гуруҳ ўрганишида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш.	15 кунда
3-босқич	Маҳаллий ҳокимлик, бозорлар ёки савдо комплекси	Бозорлар ёки савдо комплексини рақамлаштириш хизматларини кўрсатувчи талабгорни давлат харидларига оид қонунчилик асосида танлаб олиш, шартнома расмийлаштириш.	Қонунчиликда белгиланган муддатларда
4-босқич	Маҳаллий ҳокимлик, Рақамли технологиялар вазирлиги ва бошқалар	Бозорлар ва савдо комплексларини рақамлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда тегишли давлат органлари иштирокида муҳокамадан ўтказиш.	5 кунда
5-босқич	Маҳаллий ҳокимлик, бозорлар ёки савдо комплекси	Видеокузатув, ташвиш ва ёнгин сигнализацияси, банкомат ҳамда қуёш панели, ёритиш чироғи ва бошқа зарур моддий техникаларни ўрнатиш ва лойиҳа бўйича рақамлаштириш ишларини амалга ошириш.	15 кунда
6-босқич	Маҳаллий ҳокимлик, бозорлар ёки савдо комплекси	Савдо шохобчалари ва савдо ўринлари жойлашуви, автотураргоҳ тўғрисидаги маълумотларни рақамли дастурга киритиш ҳамда бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар электрон ҳисобини юритиш.	5 кунда
7-босқич	Солиқ қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, маҳаллий ҳокимлик ва бошқалар	Бозорлар ва савдо комплексларида жорий этилган ахборот тизимларини “E-bozor” ягона платформасига интеграция қилиш.	Қарорда белгиланган муддатда
8-босқич	Солиқ қўмитаси, маҳаллий ҳокимлик, бозорлар ёки савдо комплекси ва бошқалар	“E-bozor” ягона платформасини Адлия вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Кадастр агентлиги ва бошқа манфаатдор идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш.	Қарорда белгиланган муддатда

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 2 ” июлдаги 358-сон қарорига
3-илова

**Бозорлар ва савдо комплексларини рақамлаштириш
ҳамда уларнинг инфратузилмасини яхшилашнинг
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллектга асосланган махсус ахборот тизимини ишга тушириш, унда онлайн масофавий мониторинг қилиш имкониятларини яратиш;

бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларни шаффоф электрон тизим орқали амалга ошириш тартибини жорий этиш;

савдо шохобчалари ва савдо ўринлари жойлашуви тўғрисидаги маълумотларни рақамли дастурга киритиш, бўш савдо расталарини ижарага олиш бўйича электрон шартнома тузиш, уларни онлайн масофавий мониторинг қилиш имкониятларини яратиш;

автотураргоҳ ва ҳожатхона мавжудлигини таъминлаш ҳамда уларда ҳисоблаш ва тўлов қабул қилишнинг автоматлаштирилган тизимини йўлга қўйиш;

бозор ва унга туташ ҳудудлардаги ноқонуний қурилмаларни белгиланган тартибда бартараф этиш, бозор инфратузилмасини яхшилаш мақсадида таъмирлаш ва реконструкция ишларини амалга ошириш;

коммунал хизмат кўрсатиш тизимини таъмирлаш ва реконструкция қилиш орқали самарали ташкил этиш, дўконларга замонавий энергия таъминоти ускуналари (куёш панели) ва алоҳида электр ҳисоблагичлар ўрнатиш;

санитария ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилишини таъминлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини самарали ташкил этиш;

хавфсизликни таъминлаш учун видеокузатув, ташвиш ва ёнғин сигнализацияларини, банкомат ҳамда тежамкор технологиялар асосида ёритиш чироқлари ўрнатиш.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 2 ” июлдаги 358-сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2011 йил 25 майдаги 149-сон қарорида:

а) 1-илованинг 15-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Транспорт воситасини ушлаб туриш сабаблари тўлиқ бартараф этилмасдан туриб, уларни чиқариб юбориш ёки улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан назорат махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари ёрдамида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан бевосита жойига чиққан ҳолда ўтказиладиган ўрганишлар орқали таъминланади”;

б) 2-иловада:

11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Ваколатли орган ўз ташаббуси билан ёки жисмоний ва юридик шахсларнинг таклифлари асосида танловга қўйиладиган ҳудудлар рўйхатини тайёрлайди, танлов предметини ва вақтини танлов ўтказилишидан камида ўттиз кун олдин ахборот тизимига киритади ва бу ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилади”;

36-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“36. Электрон ахборот тизимидаги танлов якунлари асосида танлов ғолиби билан шартномалар тузиш ҳамда уларнинг талаб ва шартларига риоя этилиши устидан ваколатли орган томонидан мунтазам мониторинг юритилади”;

37-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи-бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Бунда қуйидаги ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима (неустойка) тўлаш шартноманинг мажбурий шарти сифатида назарда тутилади ҳамда уларнинг бир йил давомида такроран содир этилиши тузилган шартномани бекор қилиш учун асос ҳисобланади:

ушланган транспорт воситаларининг ҳисобини, уларни олиб келиш ва сақлаш бўйича кўрсатилган хизматлар сонини ва тўланган тўловлар миқдорини “Жарима майдончаси” ахборот тизими орқали юритмаслик;

транспорт воситасини ушлаб туриш сабаблари тўлиқ бартараф этилмасдан туриб, уларни чиқариб юбориш ёки улардан ноқонуний фойдаланиш.

Шартнома шартлари юзасидан келиб чиққан низолар суд тартибида ҳал этилади”;

в) 3-иловада:

5-банд қуйидаги мазмундаги “а¹” кичик банд билан тўлдирилсин:

“а¹) тўхташ жойларига олиб келинган транспорт воситаларининг кириб-чиқишини “Жарима майдончаси” ахборот тизими орқали назорат қилиш ҳамда транспорт воситаларининг давлат рақами белгиларини таниб олиш имконини берувчи камера ва бошқа техника воситаларининг мавжудлиги”;

11-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда “Жарима майдончаси” ахборот тизимига киритилган кўрсатилган хизматлар бўйича айланмалар солиқ органлари ахборот тизимида автоматик шакллантирилади”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 57-банди тўққизинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“солиқ инспекторлари томонидан ўз хизмат вазифаларини амалга ошириш жараёнида мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар бўйича қалбаки ва контрафакт ҳолатлар ҳамда маркировкалаш қоидалари бузилгани аниқланганда, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга ошириш ҳолатларини аниқлашда;”.

